



Халқ сўзи

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 7 август, № 158 (8781)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИДАГИ НАТИЖАЛАР ВА РЕЖАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 6 август куни темир йўл соҳасида олиб борилаётган ишлар ва келгуси режаларга оид тақдимот билан танишди.

Ўтган йили 10 октябрда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятини трансформация қилишга оид Президент қарори қабул қилинган эди. Бу жараёнга қўмаклашиш мақсадида халқаро консалтинг компанияси ҳам жалб этилди.

Жамият таркибида инфратузилма, вагон хизмати, йўловчиларни ташиш кабилар билан шуғулланувчи 6 та мустақил корхона иш бошлади. Самарасиз ва бир-бирини такрорловчи вазифалар бирлаштирилиб, ортинчалари қисқартирилди.

Поездлар таркибига 1 минг 40 та янги юк ва 45 та йўловчи вагони қўшилди. Ички йўналишда юк ташиш муддати 2 карра қисқарди. “Келес” станциясида қўшимча 2 та электрлаштирилган йўлни қуриш орқали Тошкент атрофида поездларни ўтказиш имконияти 30 фоизга ошди.

Илгари йиллар давомида зарарга ишлаб келган “Ўзбекистон темир йўллари” бу ислохотлар натижасида фойда қўришга ўтди. Тақдимотда галдаги вазифалар, ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб масалалар ҳам кўриб чикилди.

Кейинги вақтларда йўловчи вагонларининг аҳоли, советиш тизимидаги муаммолар бўйича кўп эътирозлар бўлмоқда. 143 та вагон таъмирланди. 59 та локомотив хизмат муддатини ўтаб бўлган.

Шунинг учун янги йўловчи вагонлар ишлаб чиқаришга Саноатни ривожлантириш жамғармасидан 50 миллион доллар ажратилмоқда. 38 та локомотив олиб келиш ва 12 та электровозни модернизация қилиш бўйича итйойлик ҳамкорлар билан 181 миллион долларлик келишувга эришилган.

Мутасаддилар ушбу маблағлар ҳисобидан поездлар паркини янгилаш режалари бўйича ахборот берди.

Шавкат Мирзиёев ўтган йили қорақалпоғистонлик сайловчилар билан учрашувда Тошкентдан Нукусга тезорар поезд қатнови йўлга қўйилишини айтган эди.

Бунинг учун Жанубий Кореянинг “Hyundai Rotem” компаниясидан 6 та замонавий электропоезд олиб келиниши белгиланган. Хозирги кунда узунлиги 465 километр бўлган Бухоро — Урганч — Хива темир йўли электрлаштирилмоқда ва буни йил охиригача якунлаш мўлжалланган. Келгуси йилларда 196 километрлик Мискин — Нукус тармоғи электрлаштирилади. Натижада йўловчиларнинг манзилга етиб бориш вақти 16 соатдан 7 соатгача қисқаради.

Тақдимотда, шунингдек, акциядорлик жамиятига қарашли носоҳавий активларни хусусийлаштириш, соҳада хизматлар сифати ва экспортини ошириш масалалари бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ҚОЗОҒИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 7 — 9 август кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ икки мамлакат раҳбарларининг музокаралари ва Президентлар раислигида Олий давлатлараро кенгашнинг биринчи йиғилиши ўтказилиши режалаштирилган. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада чуқурлаштириш масалалари, халқаро ва минтақавий кун тартибининг долзарб жиҳатлари кўриб чиқилади.

Асосий эътибор савдо, саноат кооперацияси, транспорт ва логистика, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда бошқа устувор йўналишлардаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига қаратилади.

Икки томонлама муносабатларни мус-

таҳкамлашга қаратилган ҳужжатлар тўпламини қабул қилиш кутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, давлат ташрифи доирасида Қозоғистон пойтахтида ишбилармонлик ва маданият тадбирлари ўтказилмоқда. Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий хайкалининг очилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Президенти 9 август куни Остона шаҳрида бўлиб ўтадиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви ва «Марказий Осиё + Япония» мулоқотининг биринчи саммитида ҳам иштирок этади.

Ў.А.

Қозоғистон — Ўзбекистон:

КЎП АСРЛИК ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Қозоғистон ва Ўзбекистонни илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалувчи дўстлик ва биродарлик муносабатлари боғлаб туради. Томонлар иқтисодий ҳамкорлик ва маданий алмашинувларни фазл ривожлантиришда, бу эса икки мамлакат ўртасидаги иттифоқчилик мезонлари манфаатига мос келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга давлат ташрифи олдидан муҳбиримиз Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Бейбүт АТАМКУЛОВ билан икки томонлама муносабатларнинг энг асосий жиҳатлари ҳақида сўхтарлявди.

Интервью



— Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги давлатлараро ҳамкорликнинг бугунги ҳолатига қандай баҳо берасиз?

— Мамлакатларимиз ўтган йиллар мобайнида яхши қўшничилик ва биродарликка асосланган алоқаларнинг юқори даражасига эришди. 2022 йилнинг декабрида давлатларимиз ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзолангани бунинг аққол далилидир. Айтиш мумкинки, ушбу ҳужжат ўша даврда нафақат Қозоғистон ва Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёдаги яқин ҳамкорликнинг ёрқин исботи бўлди.

Мамлакатларимиз ўртасида узвий мулоқот йўлга қўйилган бўлиб, тўғридан-тўғри шериклик механизмлари мавжуд, улар сирасига Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссияси, Парламентлараро ҳамкорлик кенгаши, Минтақалараро ҳамкорлик форуми ва бошқа тузилмалар қиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга давлат

ташрифи доирасида давлатлар раҳбарлари бошчилигидаги Олий давлатлараро кенгашнинг биринчи мажлиси ўтказилиши кутилмоқда.

Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг ўзаро муносабатларида савдо-сотиқ муҳим ўрин эгаллайди, у иқтисодий ҳамкорликнинг асоси бўлгани ҳолда ҳар икки мамлакатнинг ўсиши ва ривожланишини рағбатлантиради. Қозоғистон — Ўзбекистоннинг энг асосий савдо шерикларидан бири. Сўнгги беш йилда Ўзаро савдо кўрсаткичи аҳамиятли даражада ўсиб 2022 йилда савдо айланмиси ҳажми 5 миллиард долларга етди. Бугунги кунда ҳукуматларимиз ушбу кўрсаткични икки баравар ошириб, 10 миллиард долларга етказиш устида фазл иш олиб бормоқда.

Ўтган йил охирида Марказий Осиё саноат кооперацияси халқаро маркази фаолиятини тартибга солиш тўғрисидаги битим имзоланган эди. Марказ ишлаб чиқариш корхоналарини рағбатлантириш, иш ўринлари яратиш, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, товарларни жўнатиш учун логистика хизматларини кўрсатиш каби йўналишларда ҳамкорликни таъминлайди.

Маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам фазл ривожланмоқда. Айни даврда “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетининг Қозоғистондаги филиалини ва Мухтор Авесов номидаги Жанубий Қозоғистон университети-нинг Ўзбекистондаги филиалини очиб бўйича ишлар якунланди. Ишонамизки, ўзаро олий ўқув юртларини ташкил этиш маданий алоқаларни мустаҳкамлайди, таълим ва фан соҳасида янада чуқурроқ ҳамкорлик учун шароит яратлади.

➡ 3

ПРЕЗИДЕНТ 10 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД АҲОЛИ ҲАЁТИГА ДАХЛДОР ҚОНУННИ ИМЗОЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида»ги Қонунни имзолади.

Бу қўпчилик аҳоли қутаётган, миллионлаб оилалар ҳаётига дахлдор масала эди. Дастлабки ўрганишларга кўра, ҳозирда ҳуқуқий ҳужжатлари йўқ ёки тўлиқ бўлмаган 3 миллион 600 мингдан ортиқ ер участкалари мавжуд.

Шу боис давлатимиз раҳбари 2023 йил 21 ноябрда ер ҳисоби ва кадастр хизматлари бўйича ўтган видеоселектор йиғилишида бу масалани қонуний ҳал этиш зарурлигини айтган эди. Шунга мувофиқ соҳа мутахассислари ва депутатлар иш-тирокида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бунда Италия, Болгария, Хорватия, Чехия ва бошқа давлатларнинг ижобий тажрибаси инобатга олинди. Олий Мажлис палаталари муҳокамаларида пишитилди.

Қонун 6 та боб ва 35 та моддадан иборат бўлиб, унда қуйидаги ер ва мулкларга нисбатан ҳуқуқлар эътироф этилмоқда:

1) 2018 йил 1 май кунига қадар фуқаролар якка тартибдаги уй-жой қурган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга;

2) 2018 йил 1 май кунига қадар фуқаролар ва ташкилотлар томонидан ҳужжатда кўрсатилган майдондан ортиқча эгалланган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга;

3) “бир марталик акция” доирасида ҳуқуқларни эътироф этиш охирига етмаган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга;

4) 2021 йил 8 июнга қадар туман (шаҳар) ҳокими қарори билан ажратилган, лекин вилоят ҳокими ёки халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланмаган ер участкаларига;

5) боғдорчилик ва узумчилик

ширкатлари ҳудудидagi тураржойлар ҳамда улар эгаллаган ер участкасига;

6) кичик саноат зоналарига 2020 йил 9 мартгача жойлаштирилган тадбиркорларнинг ер участкасига;

7) давлат ордери билан хусусийлаштирилган бинолар ва уйлар эгаллаган ер участкасига;

8) ҳоким қарори билан мулк ҳуқуқи эътироф этилган бинолар ва уйлар эгаллаган ер участкасига.

Қонунда ҳуқуқларни эътироф этишининг асосий шартлари ҳам аниқ белгиланган. Масалан, ер бошқа шахсга ажратилмаган ёки аукционга чиқарилмаган бўлиши, ер бўйича низо бўлмаслиги, бош режа талабларига эид эмаслиги ва бошқа омиллар ҳисобга олинади.

Ҳуқуқларни эътироф этиш ҳудудлар бўйича босқичма-босқич амалга оширилади. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга тааллуқли маълумотларни ва ҳужжатларни келишиш Кадастр агентлигининг автоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Бу тизимга 15 та ваколатли ташкилот ҳам тегишли маълумотларини қиритади.

Тўпланган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва қонунийлиги вилоят адлия бошқармаси томонидан текшириб чиқилади. Уларнинг натижалари маҳалла бурчаклари, Кадастр агентлигининг сайти орқали жамоатчиликка эълон қилинади. Ижобий хулоса қабул қилинган фуқароларга СМС-хабарнома юборилади. У асосида бир марталик тўловни амалга оширганларга ҳар чоракда халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарори билан ҳуқуқлар эътироф этилади.

Прокуратура, ички ишлар, агроинспекция, экология, кадастр орган-

лари қонунни амалга оширишда давлат назоратини ўрнатади. Шунингдек, қонунда жамоатчилик назоратига алоҳида эътибор қаратилган. Яъни халқ депутатлари туман Кенгашлари қарори билан ҳар бир маҳаллада жамоатчилик гуруҳлари ташкил этилади. Бу гуруҳларга маҳалла жойлашган округдан сайланган туман Кенгаши депутати, маҳалла раиси ва фаол фуқаролар қиритилади.

Тураржойлар, хусусийлаштирилган ёки мулк ҳуқуқи эътироф этилган бино ва иншоотлар остидаги ер участкаларига ҳуқуқларни эътироф этиш учун бир марталик тўлов олинади. Бу тўлов Тошкент шаҳрида базавий ҳисоблаш микдорининг 5 баравари, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида 3 баравари, шаҳарларда 2 баравари ва бошқа аҳоли пунктларида бир бараварини ташкил этади. Ижтимоий ҳимоя ягона реестрига қиритилган ва ногиронлиги бўлган шахсларга чегирма берилади.

Бир марталик тўловдан кадастр ва адлия идоралари, “Ўзбекосмос” агентлигининг харажатлари қопланади. Қолган маблағлар ташаббусли бюджет тадбирларига йўналтирилади, яъни ўша маҳаллаларнинг ўзига сарфланади.

Қонун 3 ойдан кейин кучга киради, унга қадар жойларда тарғибот, тушунтириш ва тайёргарлик ишлари амалга оширилади. Қонун 2028 йил 1 январга қадар амал қилади.

Шу ўринда айтиш керакки, Қорақалпоғистон Республикасида бу борадаги ишлар аллақачон бошланган. Ўзбекистон Президентининг 2023 йил 28 июлдаги Фармони билан, фақат ушбу ҳудуддаги ҳужжатсиз уй-жойлар ва улар жойлашган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни Қорақалпоғистон Республикаси

Жўқорги Кенгеси қарори билан эътироф этишга рухсат берилган эди.

Шундан сўнг барча туман ва шаҳарларда ишчи гуруҳлар тузилиб, Қорақалпоғистон Республикасида ҳуқуқ белгиловчи ҳужжатларсиз қурилган 43 минг 432 та уй-жой бирма-бир ўрганиб чиқилди. Уйларнинг жойлашган ўрни, ҳолати ва қурилган вақти ер ҳисоби ҳамда космик суратларни таҳлил қилиш асосида текширилди.

Барчасининг якунида ижобий хулосага келинган 27 минг 590 та уй-жойга мулк ҳуқуқи, улар жойлашган ер участкаларига ижара ҳуқуқи эътироф этилди.

Ушбу халқпарвар сиёсат натижаси 27 минг 590 та хонадонда яшовчи 100 мингдан ортиқ фуқароларнинг ҳаётига ижобий таъсир кўрсатди. Уларда ўз уй-жойини қонуний расмийлаштириб олиш, бошқа шахсга сотиш, оила аъзоларини доимий рўйхатга қўйиш ҳуқуқи пайдо бўлди. Шунингдек, мулкдорлар энди бу уйини таъмирлаш ёки қўшимча қурилиш қилиш учун имтиёзли кредитлар олиши, уй-жой жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиладиган ҳолларда қонунга мувофиқ компенсация талаб қилиши мумкин бўлди.

“Ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги Қонун ушбу хайрли ишларнинг қўламини бутун мамлакатимиз бўйлаб ёйди. Агар 3 миллион 600 мингдан ортиқ ер участкаларининг ҳар бири ўртача 3-4 нафардан фуқаро ва тадбиркорларга дахлдор бўлса, бу қонун 10 миллиондан зиёд аҳолининг муаммосини ҳал қилиб, келгуси ҳаётига қонуний замин яратди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 9 апрелда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 21 июнда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонун:

1) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган фуқаролиги бўлмаган шахслар (бундан бўён матнда фуқаролар деб юритилади) томонидан 2018 йил 1 майга қадар якка тартибда

уй-жой қуриш орқали ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга;

2) фуқаролар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва резидент бўлган юридик шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ажратилган ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган ер участкаси майдонидан 2018 йил 1 майга қадар ортиқча эгаллаган ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга;

3) ўзбошимчалик билан қурилган якка тартибдаги уй-жойларга бўлган мулк ҳуқуқини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ташкил этилган Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича туман (шаҳар) комиссиялари (бундан бўён матнда Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича туман (шаҳар) комиссиялари деб юритилади) томонидан эътироф этиш мумкин деб

топилганлиги ҳолларига ёки уни эътироф этиш рад этилганлиги ёхуд аризаларнинг кўриб чиқилиши бир марталик умумдавлат акциясининг муддати ўтганлиги сабабли якунига етмаганлиги ҳолларига;

4) 2021 йил 8 июнга қадар туман (шаҳар) ҳокимининг қарорига кўра қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ фуқароларга, якка тартибдаги тадбиркорларга ёки резидент бўлган юридик шахсларга ажратилган, тасдиқлаш масаласи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ёки тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан кўриб чиқилмаган ер участкасига (бундан шундай ер участкасида икки йил ичида бинолар ва иншоотлар қурилмаган ёки уларнинг қурилиши бошланмаган ёхуд ер участкасидан мақсадсиз фойдаланилган ҳоллар мустасно);

(Давоми 2, 3-бетларда).

✂

Ватанимиз мустақиллигининг 33 йиллиги олдидан

ТАЪЛИМ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШИ

Мустақиллик — халқимизга нафақат эркин яшаш, балки халқаро ҳуқуқ нормаларида акс этган барча ҳақ-ҳуқуқларидан тўлиқсиз фойдалана олиш имкониятини берди. Жумладан, таълим олиш ҳуқуқини амалга оширишда юртдошларимизга жуда кенг йўл очилди.

Истиқлол тўғайли таълим соҳасида кадриятларимиз, ўзлгимизга мутаносиб миллий таълим тизими яратилди. Аввало, фарзандларимиз халқимизнинг асл тарихини ўрганиб, илм-фанда дунёни забт этган бобоқалонларимизнинг улкан меросига муносиб авлод бўлишга интила бошлади.

Халқаро фан олимпиадаларида фарзандларимиз аниқ фанлар бўйича мустахкам пойдевори бор халқ вакили сифатида ўзларини намоян қилиб келмоқда.

Айниқса, кейинги йилларда таълим тизимида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида туб ислохот-

лар амалга оширилди. Фарзандларимиз таълим-тарбия оладиган масканларда, аввало, шарт-шароитларни яхшилаш йўлида изчил ишлар амалга оширилаётгани тўғайли мамлакатимизда қўплаб янги бочалар, мактаб ва олийгоҳлар барпо этилди. Таълим-тарбия ва илм-фан муассасаларининг моддий-техника базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда. Дарслик ва ўқув қўлланмаларининг янги авлоди яратилмоқда.

Энг муҳими, бу йўналишдаги қамров даражаси кескин ўсди. Бу нафақат мактабгача таълим, мактаб, балки олий таълимда ҳам аққол сезилди.

➡ 4

«Халқ сўзи».

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

Агар мазкур муддат ичида шикоят келиб тушган бўлса, мазкур шикоят ваколатли органлар томонидан автоматлаштирилган ахборот тизимига уч иш куни ичида киритилади.

Шикоятни қўриб чиқиш натижалари ҳақидаги маълумот, шунингдек автоматлаштирилган ахборот тизимидаги маълумотлар ва ҳужжатларга ўзгартириш киритилган тақдирда, мазкур ўзгартириш ваколатли ташкилотлар томонидан автоматлаштирилган ахборот тизимига уч иш куни ичида киритилади.

Шикоятни қўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумот ва (ёки) автоматлаштирилган ахборот тизимидаги маълумотлар ва ҳужжатларга киритилган тегишли ўзгартиришлар автоматлаштирилган ахборот тизимига ваколатли ташкилотлар томонидан киритилганидан кейин бир иш куни ичида, бироқ электрон йиғмажилддаги маълумотлар жамоатчиликка эълон қилинган кундан эътиборан камида бир ой ичида электрон йиғмажилд Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига қўриб чиқиш учун юборилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан электрон йиғмажилд, маълумотлар ва ҳужжатлар ушбу Қонун талабларига мувофиқлиги жиҳатидан икки ой ичида ўрганилади, шунингдек ушбу Қонуннинг 4–12-моддаларида белгиланган асосларга мувофиқ ер участкалари ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш асослилиги тўғрисида хулоса тайёрланади ва автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилади (бириктирилади).

Электрон йиғмажилдининг, маълумотлар ва ҳужжатларнинг ушбу Қонуннинг 4–12-моддаларида белгиланган асосларга мувофиқ эмаслиги ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш асосли эмаслиги тўғрисида хулоса чиқариш учун асос бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг хулосаси устидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

19-модда. Ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш максадга мувофиқ эканлиги тўғрисида хабардор қилиш

Ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш ушбу Қонуннинг 18-моддасида назарда тутилган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан максадга мувофиқ деб топилган тақдирда, Кадастр агентлиги томонидан тегишли шахсларнинг телефон рақамига ушбу Қонуннинг 23-моддасида белгиланган бир марталиқ тўловни йигирма иш куни ичида тўлаш тўғрисидаги хабарнома автоматлаштирилган ахборот тизими орқали автоматик равишда юборилади.

Тегishi шахслар томонидан бир марталиқ тўлов белгиланган муддатларда тўланмаган тақдирда, уларнинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасига ҳамда унда қурилган бино ва иншоотда бўлган ҳуқуқларини эътироф этиш тўғрисидаги ишлар тўхтатиб турилади.

Тегishi шахслар томонидан бир марталиқ тўлов тўланган тақдирда, электрон йиғмажилд, маълумотлар ва ҳужжатлар ушбу Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ тайёрланган ижобий ҳулосалар билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига навбатдаги сессияда (мажлисида) қўриб чиқиш учун автоматлаштирилган ахборот тизими орқали автоматик равишда юборилади.

20-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан қарорлар қабул қилиш

Ушбу Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлариниқ юборилган маълумотлар ва ҳужжатлар уч ой ичида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг сессияларида (мажлисларида) муҳокама қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини ҳамда унда қурилган бино ва иншоотга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш, рўйхатга олиш ва эълон қилиш маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг «Е-қарор» ягона электрон тизими орқали амалга оширилади.

Қарорда қуйилдигилар кўрсатилади:

1) ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ҳамда унда қурилган бино ва иншоотга бўлган мулк ҳуқуқи эътироф этилаётган шахслар ҳақидаги маълумотлар (фуқаролар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган йили, юридик шахс бўлган резидентларнинг тўлиқ номи, рўйхатдан ўтган санаси ҳақида солиқ тўловчининг идентификация рақами);

2) ижара ҳуқуқи эътироф этилаётган ер участкаси жойлашган манзил, майдон, ундан амалда фойдаланилиш максади, у эгаллаб олинган йил;

3) мулк ҳуқуқи эътироф этилаётган бинолар ва иншоотлардан амалда фойдаланилиш максади.

Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорлари лойиҳалари Қорақалпоғистон Республикаси Адлия

вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт.

Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини ҳамда унда қурилган бино ва иншоотга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорлари расмий эълон қилинганидан кейин қучга қиради.

21-модда. Ҳуқуқ эгаси

Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи инвентаризация жараёнида аниқланган ва автоматлаштирилган ахборот тизимида мазкур ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахс сифатида кўрсатилган фуқаро ва якка тартибдаги тадбиркор, шунингдек резидент бўлган юридик шахс номига эътироф этилади.

Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ушбу вафот этган шахс номига эътироф этилади. Бунда мазкур объектга нисбатан меросни расмийлаштириш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ворислик тартибда ҳал этилади.

22-модда. Ижара ҳуқуқи эътироф этилган ер участкасининг ер фонди тоифасини ўзгартириш

Ушбу Қонунга мувофиқ ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи эътироф этилиши лозим бўлган ер участкаси аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари ёки саноат, транспорт, алоқа, мудофая ва бошқа максадларга мўлжалланган ерлар тоифасига қирмаган тақдирда ҳам ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқининг эътироф этилишига йўл қўйилади, бундан сўғориладиган ерлар мустасно.

Бунда ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқининг эътироф этилиши мазкур ер участкасини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари ёки саноат, транспорт, алоқа, мудофая ва бошқа максадларга мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказиш учун асос бўлади.

Фуқароларга тегишли бўлган, якка тартибдаги уй-жой қурилган ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуқи эътироф этилганда ер участкаси аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари тоифасига ўтказилиши муносабати билан фуқаролардан қишлоқ ҳўжалиги ва ўрмон ҳўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича тўловлар ундирилимайди.

Фуқароларга тегишли бўлган, якка тартибдаги уй-жой қурилган ер участкалардан бошқа ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуқи эътироф этилганда ер участкаси аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари ёки саноат, транспорт, алоқа, мудофая ва бошқа максадларга мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказилиши муносабати билан қишлоқ ҳўжалиги ва ўрмон ҳўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича тўловлар қонунчилик ҳўжатларига мувофиқ ундирилиди.

4-боб. Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этиш учун бир марталиқ тўлов

23-модда. Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этиш учун бир марталиқ тўлов миқдорлари

Ушбу Қонун 1-моддаси иккинчи қисмининг 1, 3, 5, 7, 8-бандларида белгиланган асосларга мувофиқ ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этиш учун қуйидаги миқдорларда бир марталиқ тўлов ундирилади:

1) Тошкент шаҳрида – базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида;
2) Нукус шаҳрида ва вилоятлар марказларида – базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида;
3) вилоятлар бўйсунувидаги бошқа шаҳарларда – базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида;
4) бошқа аҳоли пунктларида – базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида.

Бир марталиқ тўловни тўлашдан қуйидагилар озод этилади:

1) бир марталиқ умумдавлт акцияси доирасида бир марталиқ йиғимни тўлиқ тўлаган шахслар;
2) I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар.

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимига киритилган шахслардан бир марталиқ тўлов ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган тўловнинг эллиқ фоизи миқдорида ундирилади.

Агар бир марталиқ умумдавлт акцияси доирасида Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича туман (шаҳар) комиссиялари томонидан шахсининг ўзбошимчалик билан қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкин деб топил белгиланган хулосасига асосан далолатнома шакллантирилган, бироқ бир марталиқ йиғим ундирилмаган ёки тўлиқ ҳамда ундирилмаган бўлса, у ҳолда бир марталиқ тўлов ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ ундирилади, бунда бир марталиқ умумдавлт акцияси доирасида ундирилган бир марталиқ йиғим суммаси инобатга олинади.

Бир марталиқ умумдавлт акцияси доирасида тўланган бир марталиқ йиғим ва ушбу Қонун доирасида ундириладиган бир марталиқ тўлов ўртасидан фарқ қайтарилмайдй.

Ушбу Қонун 1-моддаси иккинчи қисмининг 2, 4, 6-бандларида, 12-моддасининг бешинчи қисмида белгиланган асосларга кўра ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этиш учун бир марталиқ тўлов ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқининг ўртача бозор қиймати миқдорида ундирилади.

Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқининг ўртача бозор қиймати ер участкаларидадан фойдаланиш максадларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан 0,01 гектар майдон учун фуқаролар ўзини

ўзи бошқаришининг ҳудудий бирликлари бўйича ҳар йили январь ва июль ойларида белгиланади, унинг расмий веб-сайтида эълон қилинади ҳамда автоматлаштирилган ахборот тизимига тақдим этилади. Бунда тегишли ҳудудда охиргй ўн икки ойда ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини сотиш бўйича электрон онлайн-аукционлардаги ўртача нархлар, электрон онлайн-аукцион ўтказилмаган ҳудудлар учун эса тегишли туман (шаҳар) ёки юқори турувчи маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйича ўртача нархлар ижара муддатига кўра тузатиш киритилган ҳолда асос сифатида қабул қилинади.

24-модда. Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этиш учун бир марталиқ тўлов суммасини тақсимлаш

Ушбу Қонун 23-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ундириладиган бир марталиқ тўлов суммаси қуйидагича тақсимланади:

15 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг махсус газна ҳисобварағига;

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармасининг махсус газна ҳисобварағига;

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлигининг бюджетдан ташқари Космик тармоқни ривожлантириш жамғармасига;

0,5 фоизи – «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Газначилик хизмати қўмитасида очилган махсус ҳисобварағига;

қолган қисми – кўчмас мулк жойлашган ҳудудда ташаббусли бюджетлаштириш доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштириш учун тегишли туман ва шаҳар бюджетлари орқали фуқаролар ташаббуслари жамғармаларига.

Ушбу Қонун 23-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ ундириладиган бир марталиқ тўлов суммаси қуйидагича тақсимланади:

5 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг махсус газна ҳисобварағига;

5 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармасининг махсус газна ҳисобварағига;

5 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлигининг бюджетдан ташқари Космик тармоқни ривожлантириш жамғармасига;

қолган қисми – кўчмас мулк жойлашган ҳудудда ташаббусли бюджетлаштириш доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштириш учун тегишли туман ва шаҳар бюджетлари орқали фуқаролар ташаббуслари жамғармаларига.

5-боб. Ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш чоғидаги давлат ва жамоатчилик назорати

25-модда. Ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш чоғидаги давлат назорати

Ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш чоғида давлат назорати, шу жумладан ушбу Қонунда назарда тутилган тадбирлари амалга ошириш жараёнида ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳўлларини бравакт аниқлашга ҳамда уларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар прокуратура ва ички ишлар органлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросанот маҳмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг, Экология, атроф-муҳити муҳофаз қилиш ва иқлим ўзгарishi вазирлигининг, Кадастр агентлигининг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан амалга оширилади. Давлат назоратини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги томонидан тақдим этилган маълумотлардан фойдаланилади.

26-модда. Ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш чоғидаги жамоатчилик назорати

Ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш чоғидаги жамоатчилик назорати фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари томонидан амалга оширилиши мумкин.

27-модда. Ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этишга қўмаклашиш бўйича жамоатчилик гуруҳлари

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг қарорлари билан ҳудудий фуқаролар ўзини ўзи бошқариш бирликлари бўйича ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этишга қўмаклашиш бўйича жамоатчилик гуруҳлари (бундан буён матнда жамоатчилик гуруҳлари деб юритилади) ташкил этилади.

Жамоатчилик гуруҳи таркибига тегишли сайлов округидан сайланган халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши депутати, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси ҳамда ҳар юзта оиладан камида бир нафардан фуқаро киритилади.

Жамоатчилик гуруҳлари:

Ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш чоғида аниқланган қонун

бузилишлари ҳоллари юзасидан ваколатли давлат органлари хабардор қилинишини таъминлайди;

ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш асослари ва тартиби юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради;

автоматлаштирилган ахборот тизимида шакллантирилган маълумотларни кузатиб боради, зарур бўлган тақдирда, ушбу маълумотлар билан танишишда фуқароларга қўмаклашади;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорлари лойиҳаларининг муҳокамасида иштирок этади.

28-модда. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларини қайтариш ҳамда уларда бинолар ва иншоотлар қуриш билан боғлиқ қонун бузилишларини бартараф этиш

Ушбу Қонунга мувофиқ ҳуқуқлар эътироф этилмаган, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларини қайтариш ҳамда уларда бинолар ва иншоотлар қуриш билан боғлиқ қонун бузилишларини бартараф этиш қонунчиликлда белгиланган тартибда амалга оширилади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

29-модда. Ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш

Ушбу Қонунга мувофиқ ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорларда йиғим ундирилади.

30-модда. Ижара ҳуқуқи эътироф этилган ер участкасини хусусийлаштириш

Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ушбу Қонунга мувофиқ эътироф этилиб, унга бўлган ҳуқуқ белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин мазкур ер участкаси қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва асосларда хусусийлаштирилиши мумкин.

31-модда. Низоларни ҳал этиш

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш билан боғлиқ низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

Бошқа қонунларнинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни эътироф этмаслик, бундай ҳаракатлар учун жавобгарлик қўллаш, бинолар ва иншоотларни ўзбошимчалик билан қуриш билан боғлиқ қонун бузилишларини бартараф этиш тўғрисидаги қоидалари ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни ушбу Қонунда белгиланган муддатда ва тартибда эътироф этиш ҳўлларига нисбатан татбиқ этилмайди.

32-модда. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

33-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

34-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳўжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

35-модда. Ушбу Қонуннинг қучга кириши ва амал қилиш муддати

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтган қучга қиради. Ушбу Қонун 2028 йил 1 январга қадар амал қилады.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Тошкент шаҳри, 2024 йил 5 август № ЎРҚ–937

Ш. МИРЗИЁЕВ

Қозоғистон — Ўзбекистон:

ҚўП АСРЛИК ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҚАМЛАНМОҚДА

Умуман, Қозоғистон — Ўзбекистон ҳамкорлиги етарлича турли-туман соҳаларни қамраб олган. Савдо-иқтисодий муносабатларни юқори даражага қўтариш ҳамда олий таълим муассасаларининг филиалларини очишдан ташқари қўллаб-масалалар бўйича ўзаро кооперацияни мустақамлаш учун катта ишлар олиб боришмоқда.

— **Мамлакатларимиз ўртасидаги**

«ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ» ДАРАЖАСИНИ ПАСАЙТИРИШ МУМКИНМИ?

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Қобулжон Турсунов бошчилигидаги ишчи гуруҳ «яширин иқтисодиёт» даражасини пасайтириш орқали Фискал барқарорликни таъминлаш борасида Солиқ қўмитаси ҳамда Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганиш мақсадида пойтахтимизнинг қатор туманларида бўлди.

Ўрганиш

Ўрганиш ва таҳлиллар Солиқ қўмитаси ва вазирликда «яширин иқтисодиёт» даражасини пасайтириш борасида қатор ишлар амалга оширилганини кўрсатди. Хусусан, солиқ органлари томонидан 2024 йил 1 ярим йиллигида Давлат бюджети-га 85,7 трлн. сўм солиқ тушумлари таъминланган бўлиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 112 фоиз-га ошган.

Республика бўйича 9 445 та маҳаллага 4 минг 358 нафар солиқ инспектори масъул қилиниб, улар томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш ва бандликни легallasштириш ҳолати текширилди, иш ўринлари-ни тўлиқ акс эттирмаган тадбиркор-

лик субъектларида ўрганишлар ўтказилди.

Натижада йил бошидан ноқонуний фаолият кўрсатаётган 79 610 та тadbиркорлик субъекти рўйхатга олинган, фаолиятини тўхтатиб қўйган 43 206 та тadbиркорлик субъекти-нинг фаолияти тикланган, 36 626 та янги деҳқон хўжалиги ташкил этилган.

Шу билан бирга, 56 567 та юридик корхонада 253 минг 368 нафар ишлов-чи ходим расмий рўйхатга олинган.

Курилиш соҳасида пудрат ва лойиҳа ташкилотларини аниқлаш «Шаффоф курилиш миллий ахборот тизими»да шаклланган шаффоф рей-тинг тизими орқали онлайн равишда амалга оширилиши йўлга қўйилиб, бу-гунги кунда курилиш пудрат ва лойиҳа ташкилотлари рейтингига 25 018 та курилиш ташкилоти киритилган.

Ушбу тизимда «яширин иқтисо-диёт»ни қисқартириш, курилиш сек-тори тармоқлари учун курилиш-мон-таж ва лойиҳа ишлари сифатини со-ҳалар бўйича илғор мамлакатлар да-ражасига олиб чиқиш юзасидан му-айян ишлар олиб борилмоқда.

Кўп хонадонли уй-жойларни бошқариш ва таъмирлаш соҳасида мамлакатимиздаги жами 42 057 та кўп квартиралы уй-жой вазирлик то-монидан ишга туширилган «Менинг уйим» платформасига киритилган.

Ўрганиш доирасида ишчи гуруҳ курилиш корхоналари томонидан янги куриллаётган тураржойлар нар-хини бозор нархига нисбатан сунъий паст кўрсатишининг олдини олиш, со-ҳада норасмий фаолият кўрсатаёт-ган ишчиларни легallasштириш ор-қали бюджет тушумини таъминлаш, бу билан соҳада «яширин иқтисодиёт»ни қисқартириш борасида зиммасига олган мажбуриятларни тўлақонли ба-жариш борасида масъулиятни оши-риш юзасидан кўрсатмалар берди.

«Халқ сўзи».

ТАЪЛИМ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШИ



Давлатимиз раҳбари қайд эт-ганидек, мамлакатимизда мил-лати, тили, динидан қатъи назар, ҳар бир инсон ўз қобилияти ва истеъдоди-ни, билим ҳамда тажрибасини рўёбга чиқара оладиган ижтимоий давлат бар-по этмоқдамиз. Шу мақсадда барча куч ва имкониятимизни ёшларимизнинг ин-теллектуал ва жисмоний камолоти, улар-нинг сифатли таълим олиш, ҳаётда му-носиб ўрин эгаллаш учун сафарбар қиляпмиз. Бирлашган Миллатлар Таш-килоти Бош Ассамблеясининг 78-сессия-сида таълим соҳасидаги ислохотларимиз ушбу нуфузли ташкилотнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига уйғун ва ҳамоҳанг экани эътироф этилгани бар-чаимизни, албатта, хурсанд қилади.

Алоҳида эътироф этиш ўринлики, янги таҳрирдаги Конституцияимизда таълим соҳасига кенг ўрин берилди. Аввалги Асосий Қонунимизда таълим бўйича қисқа меъёр келтирилган эди. Яъни 41-модда-га кўра «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қафолатланади. Мактаб иш-лари давлат назоратидадир».

Янги таҳрирдаги Бош қомусимизда эса замон талаблари, миллий тараққиётимиз-

дан келиб чиқиб, таълим соҳасига кенг-роқ аҳамият қаратилди. Таълим берувчи устозларга эътибор ҳам илк бор Консти-туцияда акс этди.

Яъни 50-моддада қайд этилганидек, «Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга.

Давлат узлуқсиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривож-ланишини таъминлайди.

Давлат мактабгача таълим ва тарбия-ни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратди.

Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олиш-ни қафолатлайди. Умумий ўрта таълим мажбурийдир.

Мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратидадир.

Таълим ташкилотларида алоҳида таъ-лим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъмин-ланади».

52-моддага кўра «Ўзбекистон Респуб-ликасида ўқитувчининг меҳнати жамяит ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва мада-ний салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитиш-

нинг асоси сифатида эътироф этилади.

Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, кас-бий жиҳатдан ўсиши тўғрисида гамжўр-лик қилади».

Кўриниб турибдики, давлат таълим ти-зимини, таълим олишни ва таълим бе-ришни ҳуқуқий ҳимоя қилибгина қолмай, бу борада кенг имкониятлар ҳам яратиб беради.

Шунинг ўзйеқ янги Ўзбекистонда таъ-лимга бўлган эътиборни, таълим тарақ-қиётнинг муҳим стратегик йўналиши экан-ини ҳам намоён этади. Буларнинг ҳаёти-мизда амалий ифодасида эса ҳар би-римиз, айниқса, халқ вакиллари бўлган парламент аъзоларининг масъулияти кат-та. Шундан келиб чиқиб, қўмитаиз таъ-лим тизимида амалга оширилаётган иш-ларни парламент назорати, сенатор на-зорати каби институтлардан самарали фойдаланган ҳолда ўрганиб бормоқда. Учраётган камчиликлар эса мутаассадди-ларни жалб қилган ҳолда бартараф этиб боришмоқда.

Бахтигул ТАБЕВБА,
Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси.

МУҲИМ ВА ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИДА ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Тadbиркорлик кодексини тасдиқлаш тўғрисидаги, экологик экспертиза ва атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш йўналишидаги муносабатларни тартибга солишга, қулай инвестиция муҳитини яратиш ҳамда инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, ҳудудларда банк хизматлари, жумладан, микромолиявий хизматлардан фойдаланиш қўламини кенгайтиришга доир бир қатор қонун лойиҳалари атрофида кўриб чиқилди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Телекоммуникация инфратузилмасидан самарали фойдаланиш имконияти яратилади

Депутатлар «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан телеком-муникация соҳасида давлат аралашуви ка-майитрилиб, эркин бозор муносабатлари-га ўтилмоқда. Шунингдек, телекоммуни-кация тармоғини тартибга солишда дав-латнинг ўрни қандай бўлиши белгилаб бе-рилмоқда. Яъни янгича ёндашувларнинг жорий этилиши орқали давлатнинг теле-коммуникация соҳасидаги бошқарув ва-колатлари камайитирилади. Ва мазкур йўналишни тартибга солувчи мустақил ре-гулятор пайдо бўлади.

Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сибсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси раиси Илҳом Абдуллаевнинг айтишича, со-ҳада учта муҳим жараён бозор муносабат-ларига ўтказилди. Лицензиялаш, нарх ва тарифлар белгилаш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимояси шулар жумласидан.

Депутатнинг қўшимча қилинича, энди-ликда бу жараёнлар давлат томонидан эмас, эркин бозор муносабатлари асоси-да ишлайди. Яқин вақт ичида соҳада нархлар ошмай, балки янада рақобатбар-дош бўлади.

Маълумки, рақамлаштириш жараёнида интернет тарифлари катта аҳамиятга эга. Бунинг натижасида соҳада монополия юза-га келиши камайиб, тараққийт холис очиқ бозор муносабатлари асосида бўлади.

Таъкидлаб ўтилганидек, қонун лойиҳа-сининг қабул қилиниши аҳоли учун бир қатор енгилликлар яратиб, телекоммуни-кациялар бозорини янада ривожлантириш орқали хизматлар ҳажми ва уларнинг си-фати ошишига, соҳада фаолият юритади-ган тadbиркорлик субъектлари сони кўпайишига хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Стратегик режалаштириш лойиҳалари стратегик экологик баҳолашдан ўтказилади

Мажлисида кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — «Экологик экспертиза ва атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўлди.

Унда экологик экспертиза фаолиятида қўлланиладиган янги йўналиш — экологик нормативлар лойиҳаларини давлат эколог-ик экспертизасидан, стратегик режа-лаштириш лойиҳаларини стратегик эко-логик баҳолашдан ўтказиш масалалари аниқ белгиланмоқда.

Шу билан бирга, давлат экологик экс-пертизасини ўтказиш тартиби, давлат эко-логик экспертиза объектилари бўйича те-гишли ҳужжатлар лойиҳаларини давлат экологик экспертизаси учун тақдим этиш, давлат ва жамоат экологик экспертиза-сини ўтказишда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, айнй чоғда, жамоатчилик

экологик экспертизасини ҳамда жамоат-чилик ёшитувини ўтказиш тартибини бел-гилаш бўйича алоҳида нормаларни ки-ритиш тақлиф этилмоқда.

Мунозаралар давомида депутатлар то-монидан мазкур қонун лойиҳаси юзаси-дан қатор саволлар ўртага ташланди. Хусусан, қонуннинг номи экологик экс-пертиза ва атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш деб номланаётгани, бизда экологик экс-пертиза институти борлиги, яъни — ат-роф-муҳит таъсирини баҳолаш институти пайдо бўлаётгани, лекин қонунда страте-гик экологик баҳолаш институти ҳам бор-лиги қайд этилиб, нима учун қонунда бу институт номи кўринмаётгани сабаби сўралди.

Қонунчилик палатаси Спикери ўринбо-сари, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари Хайрулло Гафоров ушбу масала юзасидан батафсил тушун-тириш бериб ўтди.

Мазкур масала юзасидан Экология, ат-роф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири ўринбосари Исқандар Қўтибдинов ҳам қўшимча изоҳ бериб, ушбу тақлифлар қонун лойиҳасини иккин-чи ўқишга тайёрлаш жараёнида эътибор-га олинишини маълум қилди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида қонунчилик ҳужжатлари ўрта-сидаги тафовутлар бартараф этилиб, эко-логик экспертиза хулосасини бериш тар-тиб-таомилларини самарали ва тўғридан-тўғри тартибга солувчи нормалар амал-ийта киритилади. Энг муҳими, халқроқ талабларни жорий этиш ҳисобига хори-жий инвестор ва тadbиркорлар учун ишончли ва тушунарли экологик баҳолаш тизими таъминланади.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойи-ҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Инвесторларни хавотирга солувчи ортиқча чекловлар бекор қилинади

«Инвестициялар ва инвестиция фаоли-яти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам қуйи палата мажлисида муҳокама марказида бўлди.

Ушбу қонун лойиҳасида инвесторлар-нинг қафолатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятла-ри, уларни давлат томонидан қўлаб-қув-ватлаш масалалари белгиланмоқда. Қола-верса, мамлакатимизда янада қулай ин-вестиция муҳитини яратиш, инвесторлар-нинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари-ни ҳимоя қилиш, амалдаги инвестиция қонунчилигини илғор халқроқ стандартлар, жумладан, Жаҳон савдо ташкилотининг қоидаларига мослаштиришга қаратилган нормалар акс этмоқда.

Қонун лойиҳасида инвесторларни энг катта хавотирга солувчи омил ва хатар-лар бўйича ечимлар киритилмоқда ҳамда ортиқча чекловлар бекор қилинмоқда. Жумладан, «Бозорга кириш» қафолатлари ҳамда инвестиция фаолиятини асосиз текширишлардан ҳимоялаш мезонлари белгиланмоқда.

Бундан ташқари, инвестицияларни рағ-батлантириш чоралари ва имтиёзлар до-ираси кенгайтирилмоқда. Хусусан, чет эл

инвестициялари иштирокидаги корхонада хорижий инвесторлар улуши бўйича талаб 15 фоиздан 10 фоизгача туширил-моқда. Шунингдек, инвестиция фаоли-ятини ҳимоялашнинг қўшимча қафолатла-ри киритилмоқда. Бунда, асосан, миллий режимиға рия қилиш ҳамда хорижий ин-весторларнинг ердан фойдаланиш имко-нияти 25 йилдан 49 йилгача узайтирил-моқда. Маҳаллий ва хорижий инвестор-ларга тенг бўлган имтиёз ва преферен-циялар тақдим этилмоқда.

Қонун лойиҳасидаги яна муҳим жиҳат-лардан бири, бу — инвестициявий низо-ларни ҳал этиш тартиби халқаро тан олин-ган стандартлар асосида қайта кўриб чи-қилмоқда. Яъни инвесторларнинг халқроқ арбитраж институтларига мурожаат эти-шига оид чекловлар бекор қилинаётди.

Мажлисида Қонунчилик палатаси депу-тати Қодир Жўраев лойиҳа юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, бугунги кунда мазкур ҳужжатга ниҳоятда зарурат борлиги, амалдаги қонун мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш ша-роитларида ва тобора кенгайиб бораёт-ган инвестицион муҳитга ҳам унчалик мос келмаётганини айтди. Тақлиф этилаётган қонун лойиҳаси орқали маҳаллий ва чет эл инвесторларини, инвестициявий фао-лият ҳимоясини кўчайтиришга қаратилган қўшимча ва имтиёзлар, преференция-лар тақдим этилиши кўзда тутилаётгани-ни таъкидлади.

Депутатнинг қайд этишича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши на-тижасида инвесторларнинг қафолатлари ва эркинликлари аниқ баён этилиб, бун-дай ҳуқуқ ва қафолатларни қўлаш бўйи-ча турли тақлин ва чалқашликларга бар-ҳам берилади. Энг муҳими, «Ягона дарча» орқали инвестицияларни ва инвесторлар-ни рағбатлантириш институтлари ва яго-на ваколатли инвестиция органи қонун билан мустаҳкамланади.

Қизгин муҳокамадан сўнг қонун лойи-ҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Микромолия банклари ташкил этилади

Мажлисида микромолиялаштириш соҳа-сини тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концеп-туал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, микромолиялашти-риш хизматларига аҳоли томонидан талаб борган сари ошиб бормоқда. Шу билан бирга, нобанк кредит ташкилотла-рининг қўшимча молиявий ресурслар, жумладан, омонатларга пул маблағлари-ни жалб этиш имкониятлари чекланган-лиги мазкур ташкилотлар томонидан кенг доирадаги истеъмолчиларга микромо-лиявий хизматларни кўрсатиш имконини бермаяпти. Шунингдек, етарли салоҳият-га эга микромолия ташкилотларининг ти-жорат банки сингари фаолият олиб бори-ши учун ташкилий-ҳуқуқий асослар мав-жуд эмаслиги, хусусан, тижорат банклари ва микромолия ташкилотлари устав капи-талига ўрнатилган минимал талаблар ўрта-сидаги фарқ катталлиги микромолия таш-килотларининг ривожланиши ҳамда йирик-лашиб тижорат банки функцияларини ба-жариш даражасига чиқишига жиддий тўсқинлик қилмоқда.

Мажлисида кўриб чиқилган қонун лойи-ҳаси билан банк хизматларини ружсат этилган шартлар асосида кўрсатиш ва-колатига эга бўлган юридик шахс — микро-молия банклари институтининг жорий қилиш тақлиф этилмоқда. Бунда микромолия ташкилотларининг микромолия банклари-га айланиши ва ўз навбатида, микромо-лия банкларининг тижорат банклари да-ражасига кўтарилишининг ҳуқуқий асоси яратилади.

Муҳокама давомида депутатлар қонун лойиҳасидаги нормаларга ўз муносабат-ларини билдириб, уларни тақомиллашти-риш бўйича қатор тақлиф ва тавсиялар берди.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жойларда-ги молиявий хизматларга бўлган эҳтиёж-ни қондириш ҳамда ҳудудларда микромо-лиявий хизматлардан фойдаланиш қўла-мини ошириш имконини беради. Шунинг-дек, микромолия банкнинг асосий фао-лияти кичик ва ўрта бизнес лойиҳалари-ни молиялаштиришга йўналтирилганлиги аҳолининг тadbиркорлик ташаббуслари қўлаб-қувватланишига хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Омбудсманнинг Солиқ кодексига қўшимча киритиш тўғрисидаги тақлифи кўриб чиқилди

Депутатлар Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ ко-дексига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонунчилик тақлифини кўриб чиқди.

Маълумки, янгиланган Конституциянинг 98-моддасида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)га қонунчилик тақлифларини ташаббус тар-тибда Қонунчилик палатасига киритиш ҳуқуқи берилган.

Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлис-нинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан «Ўзбекистон Рес-публикасининг Солиқ кодексига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонунчилик тақли-фи ишлаб чиқилиб, парламент қуйи пала-тасига киритилди.

Таъкидланганидек, амалдаги Солиқ ко-дексининг 378-моддасида профессионал ва олий таълим ташкилотларида таълим олиш учун тўловга солиқ имтиёзи қўлла-нилиши, бу имтиёз солиқ тўловчининг про-фессинал ва олий таълим ташкилотла-рида ўқиш учун тижорат банклари томо-нидан ажратилган таълим кредитларини (фоизлари билан) қоплашга йўналтирил-ган даромадларига нисбатан қўлланили-

Ақтам ҲАЙТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛидеП фракцияси раҳбари:

— Бугунги кунда мамлакатимизда тadbиркорларга муно-сабат тўбдан ўзгарган. Охириги йилларда уларни ҳар томон-лама қўлаб-қувватлаш, эркин ва самарали фаолият юрити-ши учун зарур шароитлар яратилди. Хусусан, етти-саккиз йил мобайнида бу соҳани тараққий эттиришга қаратилган қўлаб қонун, 100 дан ортиқ Фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Кеча Қонунчилик палатасида қабул қилинган ушбу ҳуж-жатни минг-мингалаб тadbиркорларимиз кутаётган эди. Ко-декс лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш ва маромига етказиш жараёнида фракциямиз аъзолари фаол иштирок этди. Партиямиз электорати манфаатларидан келиб чиқиб берилган қўлаб тақлифлар ҳужжат матнида аксини топди. Шубҳасиз, ушбу кодекс бизнес вакиллари ва ишбилармон-ларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Зотан, у янги таҳрирда-ги Конституциямизга тўла мос келади.

Алишер КОДИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси раҳбари:

— Тadbиркорлик кодексининг қабул қилиниши тарихий воқеадир. Ўзбекистон борган сари иқтисодиётида давлат аралашувини камайитириб, ресурс ва актив яратиш имкони-ятларини тadbиркорларга берапти. Тadbиркорлар қанча эр-кин ва қудратли бўлса, имкониятлар ҳам шунча кучли бўла-ди, халқимиз фаровон ашайди.

Мажлисида тadbиркорларимиз бевосита иштирок этиб, ко-декс лойиҳаси юзасидан ўз тақлифлари, мулоҳазаларини билдиргани ушбу ҳужжат янада маромига етишида аҳамият-ли бўлди. Ишоним қомилки, мазкур кодекс келгусида ҳусусий

мулк ҳамда тadbиркорлик субъектлари қонуний манфаатла-ри ҳимоясининг қафолати бўлиб хизмат қилади.

Зухра ИБРАГИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси раҳбари:

— Бугунги кунда тadbиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5 мингта яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бор эди. Улар-нинг битта кодексда жаамланиб, яхлит ҳуқуқий қўлашма бўли-ши соҳадаги қонунчилик ҳужжатларини барқарорлаштириш, давлатнинг тadbиркорлик соҳасига аралашувини камайит-ришга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, бизнес вакиллари учун кенг имконият эшикларини очди. Шундай экан, юрти-мизда фаолият олиб бораётган тadbиркорларни ва ўз фао-лиятини бошламоқчи бўлган йигит-қизларни ушбу тарихий ҳужжат билан табриқлайман.

Улуғбек РАҲИМОВ, Президент ҳузуридаги Тadbиркорлиқни қўлаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик кенгаши аъзоси:

— Тadbиркорлик кодексини қабул қилишни замон талаби, деб қараш керак. Шу вақтга қадар қабул қилинган ва амал-даги мавжуд норматив ҳужжатлар жуда тарқоқ эди. Ушбу кодексда эса тadbиркорлик фаолияти билан боғлиқ масала-лар ўз аксини топди.

Айтиш жоизки, кодекс лойиҳаси бир кунда ишлаб чиқил-мади. Уни яратишда тadbиркорлар билан қўлаб учрашув-лар, мулоқотлар ўтказилиб, уларнинг фикрлари, тақлифла-ри олинди. Ва уларнинг ақсарияти мазкур ҳужжатда эъти-борга олинган. Шу жиҳатдан, ушбу ҳужжатни тadbиркорлик фаолиятини бошлашдан тортиб, унинг ҳуқуқ ва мажбурият-лари, фаолияти қафолатлари жамланган, тadbиркорлар учун услубий қўлашма сифатида фойдаланиладиган уникал ко-декс бўлди, деб баралла айта оламиз.

«Халқ сўзи».

Қарши шахридаги Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумида ўрта бўгин тиббиёт ходимларига немис тилини ўқишиш учун истеъмослаштирилган ўқув марказ ташкил этилди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 12 771 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53;

эълонлар 71-259-74-45.

Тахририятга келган кўбеъмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг мустақил берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-2